





ЖАҲОН

24 соат ичида

Тураржойлар қимматлашди


Буюк Британиядаги тураржойлар нархи 0,2 фоизга ошди.

"Hometrack" консалтинг компанияси маълумотига қараганда, бу 2007 йилнинг июль ойидан бундан буён кузатишган энг юқори кўрсаткичдир. Ҳозирда Англия ва Уэльсда уйлари ўртача баҳоси 156,1 минг фунт стерлингни ташкил этмоқда.

Мамлакатда банклар томонидан ипотека кредитлари бериш тизими қўллаб-қувватланиши бу ҳабада ушбу суръатларига туртки бераётди.

Японияда zilзила

Японияда zilзила содир бўлди.



Шахридан 199 километр шимолда жойлашган Рюку оролида қайд этилган. Курбонлар ва талафотлар ҳақида маълумотлар йўқ, цунами келиб чиқиши ҳақида хавф ҳам кузатилмаган.

Айтиб ўтиш жоиз, ушбу мамлакат сейсмик жиҳатдан сайёрамиздаги энг фаол ҳудудлардан бири саналиб, ер силкинишларининг 20 фоизи шу ерда содир бўлади.

Ҳамон нотинч

Сомалида фаолият кўрсатиб келаётган "Ал-Шабаб" террористлар гуруҳи Могадишо шаҳридаги бозорда икки кишини ошқора қатл этди, дейилади "BBC" хабариди.

Курбонлардан бири АКШнинг Марказий разведка бошқармаси учун хизмат қилган, иккинчиси эса Африка Иттифоқи тинчликпарвар кучлари вакили бўлган. Экспертларнинг изоҳлашича, жангариларнинг бу ишга жазм қилишига АКШ ҳарбий самолётлари томонидан Сомали жанубига берилган зарбалар сабаб бўлган. Ана шу амалиётлар чоғида уларнинг шериги Али Солих Набхан йўқ қилинган. Шундан сўнг гуруҳ аъзолари қасос олиш мақсадида Могадишо шаҳридаги Африка Иттифоқининг тинчликпарвар кучлари қароргоҳига ҳужум уюштириб, 16 кишининг умрига зомин бўлдилар.

Сомалидаги оқошталликка пугур этганига 18 йил бўлди. Бу ерда бошқарув издан чиққан. Юзага келган турли низолар оқибатида 18 минг киши ҳалок бўлган, қарийб 1,5 миллион маҳаллий аҳоли бошпанасиз қолган. БМТ маълумотларига қўра, ҳозирда мамлакатнинг 4 миллион аҳолиси ижтимоий кўмакка муҳтож.

Тошқин келтирган зарар

Филиппин аҳолиси сув тошқинларидан азият чекаётган бир пайтда юз берган туфун уларга янада қийинчилик туғдирди.

Табиий офат олти соат мобайнида 3,2 мингга тураржой ва анча-мунча маъмурий биноларни вайрон қилган. 370 мингдан ортиқ одам кўчада жўлган. 240 киши ҳалок бўлган, қирққа яқин киши эса бедарак йўқолгани айтилмоқда. Туфун, айниқса, пойтахт Манила шаҳрига катта талафот етказган. Бу ерда электр тармоғи ишдан чиққан, телефон алоқаси узилб қолган, автомобиль йўлларида ҳаракат тўхтаган. Тахминий ҳисоб-китобларга қўра, мазкур табиий офат мамлакат иқтисодиётига 50 миллион АКШ доллари миқдорига зарар етказган.

Яшин урди

Сальвадор шарқида жойлашган Сан-Мигель шаҳрида чақмоқ уриши натижасида бир киши ҳалок бўлган ва яна бир нафар одам тан жароҳати олган.

"РИА Новости" хабарига айтилишича, кўнгилсизлик футбол учрашуви вақтида юз берган. Яшин урган 21 ёшли футболчи Давид Сальдивар Табор касалхонада ҳаётдан кўз юмган.

Июнь ойида ҳам Сан-Мигель шаҳрида бир киши шундай табиий офат қурбонига айланганди.

Антиқа тўй

Жанубий Африка Республикасида антиқа тўй маросими бўлиб ўтди.



Бўлмаган Ледисмит шаҳрида ташкил этилган тантанада Мильтон Мбгеле исмли фуқаро бир вақтинг ўзида тўрт аёлни никоҳига олган. Мильтон айна пайтда 44 ёшда. Газетада ёзилишича, мамлакатда кўп хотинлик тақиқланмаган бўлса-да, бундай ҳолат ҳозиргача юз бермаган экан.

"The Daily Telegraph" нашрининг ёзишича, мамлакат пойтахтидан унча узоқ Хориз матбуоти хабарлари асосида тайёрланди.

Пойтахтдаги «Dedeman silk road» меҳмонхонасида Ўзбекистонда ўз ваколатхонасини очган «Информтехника и Промсвязь» компаниясининг тақдирот маросими бўлиб ўтди.

СИФАТЛИ, ИШОНЧЛИ ВА УЗЛУКСИЗ АЛОҚА

Маросимда иштирок этган вазирилик, идора, ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари вакиллари ҳамда тури ташкилоти ва йирик саноат компаниялари раҳбарларига «Информтехника» фаолияти ва унинг «МиниКом» савдо белгиси билан тайёрланаётган, жаҳон коммуникация соҳасида муносиб ўрин эгаллаган маҳсулотлари ҳақида батафсил маълумот берилди.

«Биз Ўзбекистонда ўз ваколатхонамизни очиб қарор қилар эканмиз, иккита мақсадни назарда тутдик, — дейди «Информтехника и Промсвязь» ёпиқ акциядорлик жамияти бош директори Петр Калинин табрик нутқида. — Бизнинг мақсад — бизнинг ускуналаримизни ишлатаётганларнинг талабларига тежорлик билан эътибор қаратиш, техник жиҳатдан қўллаб-қувватлаб туриш ва жойларда ҳамроҳлик қилиш. Иккинчи мақсад — алоқа тизимини модернизациялаш ва кенгайтириш бора-бора буржумчиларимиз олдига қўйиладиган бўлаётган муаммо ва вазиранларнинг ҳал этишга кўмаклашиши, уларнинг истиқбол режаларини яхшироқ тушуниш, зеро, услубий лойиҳалар, мукамал дастурлар ишлаб чиқиш ва уларни амалга оширишда буржумчиларимиз билан биргаликда иштирок этиш, модернизациялаш йўллари ва қабул қилинаётган қарорларнинг қай даражада мақсадга мувофиқлигини аниқлаш»

га ёрдам бериш компаниямиз олиб бораётган сифатнинг муҳим тамойилларидир. Таъкидлаш жоизки, барча лойиҳаларнинг кейинчалик, яъни фойдаланиш жараёнида қўшимчалар киритиш талаб этиладиган сийқаси чиққан ечимларни тақлиф этиш эмас, балки аниқ буржумчиларнинг шахсий талаблари асосида амалга ошириладиган компаниянинг рақобат борасида энг асосий устулиги ҳисобланади. Бундан ташқари, «Информтехника» ҳамма турдаги ишлаб чиқариш алоқаларини ягона коммуникация платформасида тавсия этаётган ва ўзи фаолият кўрсатаётган ҳудудда ҳамкорларни қўллаб-қувватлашни таъминлаётган ягона ишлаб чиқарувчидир. Бу борада биз фақат ускуналар етказиб беришга қўлағи, уларнинг монтаж қилиш, сошлаш, ишга тушириш ва ишлатишга оид барча вазиранларни ҳал этишимиз. Хусусан, қафолат ва ундан кейинги хизматлар тўла бажариладияти. Буржумчиларнинг вакиллари иш жараёнида ускуналардан самарали фойдаланиш борасида малака оширишмоқдалар.

Дунёнинг турли мамлакатларидаги алоқа тизимлари «Информтехника» компанияси билан шерикчилик қилишнинг фойдали эканлигига муносиб баҳо бормоқда. Эндиликда «Информтехника» ускуналари транспорт, энергетика (шу жумладан, ядровий), қурилиш, бошқаруш ва чегара хизматлари, давлат хавфсизлиги ва тежор ҳаракат, нефть ва газ тармоғи, давлат муассасалари ва бошқа соҳаларда кенг қуламда ишлатилмоқда. Компания алоқа операторлари билан фаол ҳамкорлик қилиб, алоқа кабель линияларини тортишнинг иложи йўқ ёки иқтисодий жиҳатдан мақсадга мувофиқ бўлмаган оғир шароитли ҳудудларда ҳам уларга хизмат кўрсатмоқда.

Ҳамкорлик ришталари

«МиниКом» алоқа ускуналари халқаро андозадаги энг юксак талабларга ҳам жавоб беришга қодир, — дейди «Информтехника и Промсвязь» ёпиқ акциядорлик жамиятининг тижорат директори бўйича директор ўринбосари Александр Смагин. — ИСО 9001 сер-

бердилар. Шунинг билан қиёжяки, компания маҳсулотлари фақат Австралиядан йўқ, холос. Қолган барча минтақаларда «МиниКом» бренди ҳам ҳудудий, ҳам тармоқ бўйича ўз иштироки доирасини ишончли тарзда кенгайтириб

тификатининг борлиги буни тасдиқлайди. Биз ўзимиз ишлаб чиққан энг замонавий чизма-техник ечимларни қўллаймиз. Усқуналарни ишлаб чиқаришда жаҳондаги етакчи ишлаб чиқарувчиларнинг энг замонавий қисмларидан фойдаланилади. Бу бизга шунчаки телекоммуникация усқуналарини яратиш эмас, балки IP-телефон хизмати кўрсатиш, микроуяли транкинг алоқа ва бошқа тизимларни амалга ошириш, яъни уйғунлаштирилган инфокоммуникацион алоқа тармоғини шакллантириш имконини беради.

Шунинг билан таъкидлаш жоизки, Ўзбекистоннинг айрим ташкилотлари «МиниКом» усқуналарининг сифатига ва ишлатиш қулай эканлигига амалда ишонч ҳосил қилдилар. Тошкент транспорт муҳандислари институтида шундай алоқа тизими ўрнатилган. — Икки йил аввал биз Муборак ИЭС-да «Информтехника» ишлаб чиқарган 300 рақамли АТС ўрнатдик ва у бирорта таъмирсиз, бенқонс ишлайпти, — дейди «Ўзбекэнерго» АТСи лабораторияси бошлиғи Игорь Болденко. — Шунини муҳимки, ишлаб чиқарувчилар буржумчиларнинг ўзига хос жиҳатларини ҳисобга олишади. Ахир энергетика объекти ва уша шаҳар муассасаларига мўлжалланган АТСларга талаб мўлжал фарқ қилади. Бунинг устига биз алоқа тизимининг озгина қисминини алмаштиришимиз сабабли, янги АТСнинг эски станциялари билан туташуши ва бу борада ҳеч қандай муаммо туғилмаслиги биз учун муҳим эди. Техник ҳужжатларни тушунишда ҳеч қандай қийинчилик бўлмади, бурча турдаги хизматларнинг муфассал баёни бор эди.

Маълумки, ахборотга эга киши дунёни ҳам забот этади. Шу боис сифатли, ишончли ва узлуқсиз алоқа ҳам иқтисодий, ҳам сиёсий маънода ҳаётимизда муҳим ўрни эгаллаётган. Шу нуктага назардан коммуникацион усқуналарни етказиб бериувчиларни танлаш муаммоси, айниқса, долзарб саналади. Биз муштарак тарихга эгамиз. Россия ва Ўзбекистон ҳақиқий шериклар бўлиб, бир-бирларининг оғойшталлиги ва барқарорлиқлари, жаҳондаги ўз ўринларини янада мустақамлаш борасидаги манфаатлари ягонадир.

Малика ОБИДОВА

Замонавий савдо мажмуаси

Қарши шаҳрининг Чакар маҳалласида тадбиркор Анвар Алиқуллов томонидан йирик савдо мажмуаси бунёд этилди.

Умумий майдони ярим гектарни ташкил этган ушбу мажмуа миллий меъморчилик анъаналари услубида қурилган бўлиб, бу ерда сотуви ва харидорлар учун барча қулайликлар яратилган. Айна пайтда мажмуада 85 та дўкон ишлаб турибди. Эътиборлики, тадбиркорнинг ушбу хайрли иши тўғрисида 100 та янги иш ўрни яратилди.

Б. НОРҚОБИЛОВ, «Халқ сўзи» мухбири.

Qishloq Qurilish Bank

Қурилиш материаллари ишлаб чиқарувчи корхоналарни молиялаштириш танлови

«Қишлоқ тараққиёти ва фаровонлиги йили» Давлат дастури доирасида банк янги инвестицион лойиҳаларни молиялаштириш учун танлов эълон қилади. Танловда куйидаги мақсадларга йўналтирилган инвестициявий лойиҳалар қабул қилинади: деворбоқ материаллар, том ёпиш материаллари, биноларнинг ташқи ва ички қўриқларини пардозловчи материаллар, замонавий ва экологик тоза маҳсулотлардан ишлаб чиқарилган эшик ва дераза, сантехника ва электржиҳоз маҳсулотлари ишлаб чиқарувчи технологик усқуналарни харид қилиш.

Лойиҳаларни молиялаштириш учун асосий шартлар ва талаблар:

- 1. Лойиҳалар санитария-гигиеник, радиацион, экологик, архитектура-шаҳарсозлик қурилиши талаблари ва қонунчилик билан белгиланган бошқа талабларга жавоб бериши лозим.
2. Лойиҳадаги миқдор ва ташаббускорлар маблағлари улуши лойиҳа қийматининг 25 фоизидан кам бўлмаган миқдорда таъминланган бўлиши зарур.
3. Таъминотнинг умумий қиймати инвестициявий кредит маблағининг 125 фоизидан кам бўлмаслиги керак.

Танловда иштирок этиш учун куйидаги ҳужжатлар тақдим этилиши лозим:

- танловда иштирок этиш учун ариза;
• корхона низоми ва таъсис шартномаси;
• корхонанинг ёки лойиҳа ташаббускорларининг солиқ инспекцияси томонидан тасдиқланган бухгалтерия ҳисоботи ва молиявий натижалар ҳақида ҳисобот, дебиторлик ва кредиторлик қарзи ҳақида маълумотнома;
• лойиҳанинг техник иқтисодий асослигини (ТИА) ёки бизнес-режаси;
• таъминот тўғрисидаги батафсил маълумот.

ОАТБ «Қишлоқ қурилиш банк» танловида лойиҳа нархи муайян даражада келтирилганлиги, биринчи навбатда, эътиборга олинади. Энг яхши тайёрланган 3 та лойиҳа имтиёзли равишда молиялаштирилади.

Танлов бўйича голиблар танлов комиссияси томонидан аниқланади ва танлов ҳужжатлари қабул қилинган яқин кундан 1 ой ичида эълон қилинади.

Танловда иштирок этиш учун аризалар 2009 йил 15 октябргача куйидаги манзилда қабул қилинади: 100060, Тошкент шаҳри, Шаҳрисабз кўчаси, 36-уй. Ахборот маркази телефонлари: (+99871) 236-16-17, 233-71-72, 233-90-43. E-mail: info@qbb.uz; www.qishloqqurilishbank.uz

«Республика Кўчмас мулк биржаси» ЁАЖнинг вилоят филиаллари

бошланғич баҳоси ошиб бериш тартибидега ўтказилади ва ўтказилади оқиқ аукцион савдосига тақлиф этади!

- қ.в.м. бўлган дала ҳовли, 1 ва 2 қаватдан иборат 3 та бино, бошланғич баҳоси — 159 158 763 сўм;
• Самарқанд тумани, «Богибаланд» ҚФЙ, Қундусфойи қишлоғида жойлашган, ХЕАТБ «Парвинабанк»қа тегишли, умумий майдони 816,44 кв.м. бўлган дорихона ва савдо мажмуаси бинолари, бошланғич баҳоси — 103 353 400 сўм;
• Самарқанд шаҳри, Спитамен шўжқчаси, 270-уйда жойлашган, «СУ-855» МЧЖга қарашли ишлаб чиқариш линияси (JG-150 пенополиуритан иситкич, VH-150 типидега насос), бошланғич баҳоси — 71 201 592 сўм;
• Самарқанд шаҳри, Мустақиллик кўчасида жойлашган, умумий майдони 4267,83 кв.м., қурилиш майдони 153,75 кв.м. бўлган, «Парвина» МЧЖга тегишли павильон биноси ва кабохона, бошланғич баҳоси — 137 394 630 сўм;
• Самарқанд тумани, Мотрид қўрғонида жойлашган, «Мадрид интер плюс» МЧЖга қарашли ғишт ишлаб чиқариш заводининг қурилиш майдони 3278,02 кв.м. бўлган бинолари ҳамда усқуна ва жиҳозлари мулкий мажмуа сифатида, бошланғич баҳоси — 757 624 590 сўм;
• Самарқанд шаҳри, Геологлар қўрғонида жойлашган, «Парвина қурувчи ПВС» МЧЖга тегишли, қурилиш майдони 2608,14 кв.м. бўлган бина ва иншоотлар, узунлиги 276 метр бўлган металл темир девор, юзаси 371 кв.м. бўлган шиқик ғишт-блокдан терилган девор ҳамда 2988 кв.м. асфальтланган майдон, бошланғич баҳоси — 703 888 200 сўм;
• Самарқанд тумани, Гулобод қўрғони ва Самарқанд шаҳри, Бедил кўчасида жойлашган, умумий майдони 8516,88 кв.м., қурилиш майдони 2523,98 кв.м. бўлган, «Парвина М» МЧЖга тегишли бинолар ҳамда асбоб-усқуналар ва хона жиҳозлари мулкий мажмуа сифатида тақридан қўйилмоқда (2008 йил 25 ноябрдаги ЖСК-1-481/2008-сонли ижро ҳужжатига), бошланғич баҳоси — 2 194 469 800 сўм.

Аукцион савдоси 2009 йил 20 октябр кунини соат 11.00 да бўлиб ўтади. Таъабгорлар диққатига! 2009 йил 20 октябрдаги аукцион савдосида сотилмаётган мулкларнинг тақрири аукцион савдоси 2009 йил 10 ноябрь кунини

бўлиб ўтади. Аукцион савдоси юзасидан барча маълумотларни 233-80-56 телефони ёки биржанинг www.rkmb.uz расий веб-сайти орқали олиши мумкин. Аукцион савдосида қатнашиш истағидаги талабгорлар савдо ташкилотчиси билан тузиладиган закат келишувига асосан, мулк бошланғич баҳосининг 10 фоиздан кам бўлмаган миқдордаги закат пулини ҳар бир мулк учун алоҳида тартибда, тўлов ҳужжатида ижро ҳужжати рақами ва санасини кўрсатган ҳолда, РКМБ Самарқанд вилоти филиалининг «Ўзсаноатқурилишбанк» Самарқанд минтақавий филиалидаги куйидаги ҳисоб рақамига тўлашлари шарт: 20210000300571452119, МФО: 00317, СТИР: 200933850. Манзил: Самарқанд шаҳри, Бустонсарой кўчаси, 85-«А» уй.

II. РКМБ Сирдарё вилоти филиалининг аукцион савдосига Янгивер шаҳар СИБ томонидан Янгивер шаҳар ТЕБМ (ЖБИ)да сақланаётган, «ВМ - 60,20-20» русумли, техник саз бўлган битта пуркажик автомат қўйилмоқда (2008 йил 5 декабрдаги 10-0805/12721-сонли ижро ҳужжати), бошланғич баҳоси — 70 784 198,7 сўм.

Аукцион савдоси 2009 йил 27 октябр кунини соат 11.00 да бўлиб ўтади. Шунингдек, 2009 йил 13 октябр кунини соат 11.00 да бўлиб ўтадиган аукцион савдосига тақридан Гулистон шаҳар СИБ томонидан (2003 йил 4 декабрдаги ижро ҳужжати, ипотека шартномасига асосан) Сирдарё вилоти, Гулистон шаҳри, Н. Зокиров кўчасида жойлашган ер участкасининг умумий майдони 3117,24 кв.м. бўлган маълумий ва ишлаб чиқариш бинолари қўйилмоқда, бошланғич баҳоси — 147 995 АҚШ доллари. Тўлов Ўзбекистон Республикаси Марказий банкнинг аукцион куниндаги курси бўйича сўмда амалга оширилади.

Мазкур савдоларда қатнашиш истағидаги талабгорлар савдо ташкилотчиси билан тузиладиган закат келишувига асосан, мулк бошланғич баҳосининг 10 фоиздан кам бўлмаган миқдордаги закат пулини ҳар бир мулк учун алоҳида тартибда, тўлов ҳужжатида ижро ҳужжати рақами ва санасини кўрсатган ҳолда, РКМБ Сирдарё вилоти филиалининг ДТ «Халқ банки» Сирдарё шаҳар филиалидаги куйидаги ҳисоб рақамига тўлашлари шарт: 20210000800571452122, МФО: 00760, СТИР: 200933850. Манзил: Гулистон шаҳри, «Бизнес маркази» биноси, 3-қават, 56-хона. Телефонлари: (8-367) 26-28-93, 26-38-91.

Юқоридеги мулклар билан тегишли суд ижрочилари бўлими вакили иштирок этиш истағидаги талабгорлардан аризаларини қабул қилиш аукцион савдосига бир кун қолганда тўхтатилади.

# КАСБИМДАН ФАХРЛАНАМАН

Очигини айтсам, бир вақтлар ўқитувчиман, дейишдан ийманардим. Ўқув даргоҳимизга бирор меҳмон келса, хикоятдан ер чизиб қолардим. Чунки мактаб биноси ва хоналарнинг кўриниши ниҳоятда хароб эди. Бахтимиз шуки, Президентимизнинг ёш авлодга ҳамқўрликлари боис бундай манзараларга қатъиян чек қўйилди.

Юртимизда муқташам мактаб бинояри қуриляпти, борлари замонавий андозаларга мос тарзда янгиланаяпти. Энг муҳими, эндиликда ўқувчилар ўқитувчиларнинг дарсларини тинглаш баробарида, замонавий ўқув жиҳозлари, компьютерлар орқали ҳам сабоқ олаётдилар.

Одам боласи ҳамisha яхши гапга интиқ. Эъзозу хурмат топган касбига умрию меҳнатини сарфлайди. Шу маънода, мен ҳам севган касбимда ишлаб қад топганим, эл эҳтиромига сазовор бўлганимдан гурурланаман. Кирк йилдирки, мактабда бошланғич синф ўқувчиларига дарс бераман. Шунданми, қаерга бормайин, бир пайтлар ўзим таълим-тарбия берган шогирдларга дун келаман. Уларнинг камолини кўриб, қувонаман. Ахир ўз меҳнати самарасини кўришдан ортқ бахт бормикан инсонга?

Бугун биз, ўқитувчи ва мураббийларга бекиёс ҳамқўрлик кўрсатиляпти. Истиқлол туфайли таълим ишига эътибор кучайди. Юртобшиси соҳа ходимлари зиммасидаги бурч ҳақида гапириб, устоз ва мураббийлар менинг энг яқин кўмакчим ва маслақдошларим, дея бежиз таъкидламайди. Бир пайтлар ўқитувчи мактабда ички сменалаб дарс бериб, яна туни билан дафтар текширган, боз устига, эртанги дарсга тайёр-

гарлик кўрган бўлса, ҳозир бу юмушларни иш пайтидаёқ ба- жариб қўйиш, қолаверса, ўқувчилар билан қўшимча дарс ҳамда тўгарак машгулотлари ўтказиш учун имкон ва фурсат етарли. Негаки, бугун таълим масканларида яратилаётган қулай шарт-шароитлар, замонавий синф хоналари ҳамда ўқув жиҳозлари фаолиятимизга янги- ца педагогик технологиялар, ин- терфаол усулларни татбиқ этиш билан бирга, вақтдан унумли фойдаланиш имконини бермоқ-

### Дил сўзи

да. Бундай саъй-ҳаракатлар, шубҳасиз, ўқувчининг умумий фанлар йўналишида билим олиш баробарида, эркин ва мустақил фикрлашга ўргатиши, ижодий қобилиятини намоён этиши, маънавий жиҳатдан етук инсон бўлиб камол топишига хизмат қилади. Мавжуд имко- ниятлардан оқилона фойдалани- б, ёшлар таълим-тарбияси йўлида ғайрат кўрсатаётган хо- димлар меҳнати муносиб рағбат- лантирилиб, Директор жамгар- маси ҳисобидан фаол ўқитувчи- ларга қўшимча ҳақ тўланаётган- лиги эса устоз ва мураббийлар ўртасида ўзаро соғлом рақобат муҳитини кучайтирмоқда.

Бизнинг мактабимиз бундан ўттиз йил муқаддам 1200 ўқув- чига мўлжаллаб қурилган. Уттан йили қайтадан тасмираниб, у

кўркам ва замонавий тус олди. Энг сўнги турдаги ўқув жиҳоз- лари билан тўлиқ таъминланган мактабда ёш авлодга таълим бе- риш учун барча қулайликлар яра- тилган. Ваҳоланки, бир замона- лар «Ёзги-қишки спорт мажмуа- си» деган гап у ёқда турсин, ўқувчиларнинг оддийгина тўп те- пиши учун ҳам дурустроқ май- доннинг ўзи йўқ эди. Болалар мактаб ҳовлисида футбол ўйнай- ман, деб нуқул синфхоналар де- разасини синдириб қўйишарди. Бугун эса ҳаммаси бошқача. Ёш ўғил-қизларимиз мактабнинг ўзида спорт тўғрисидаги жалб қилиниб, маҳоратли мураббий- лар қўлида тобланиб, жаҳон миқ- ёсидаги йирик-йирик мусобақа- ларнинг муносиб иштирокчисига айланаяптилар. Фарзанд- ларимизнинг интернет, компю- тер сингари замонавий техника сир-асрорларини пухта эгахлаб, дунёда юз бераётган янгилик- лардан кенг бохабар бўлаётган- ликлари оддий ҳолга айланди. Бундай зукко ўқувчиларга таъ- лим берувчи устозлар ҳам етук маҳорат ва кенг дунёқараш со- ҳиб бўлиш зарурат эканлигини теран англайдилар.

**Бобоҳўжа БОБОЕВ,**  
Ўзбекистон Республикаси халқ ўқитувчиси, Касби туманидаги 2-мактабнинг бошланғич синф ўқитувчиси.



## ҚИЗГИН БЕЛЛАШУВЛАР

Ўзбекистон Маданият ва спорт ишлари вазирлиги, Оғир атлетика федерацияси ҳамда Осиё оғир атлетика федерацияси ҳамкор-

лигида ташкил этилган мазкур мусобақада қитъа- мизнинг йигирмага яқин давлатидан 150 дан зиёд кучли спортчи иштирок

этаяпти. Улар орасида юр- тимиз шарафини ҳимоя қилаётган оғир атлетикачи- ларимиз ҳозиргача қатор медалларни қўлга кири- тишди. Жумладан, ўз вази тоифаларида Зилола Бўриева олтин, Марина Ситова кумуш, Нургул Султонмуродова эса бронза медалига сазовор бўлишди.

Усмирлар ўртасидаги баҳслар ҳам қизиқарли кечмоқда. Спортчиларимиз Алишер Абдуллаев ҳамда Бобомурод Чошимов кумуш медалига эгалик қилишган бўлса, Беҳзод Юсупов бронза медали билан тақдирланди.

## КУЧЛИЛАР САРАЛАНМОҚДА

Мисрда давом этаётган футбол бўйича ёшлар ўртасидаги жаҳон чемпионатининг иккинчи тур ўйинлари ўтказилмоқда.

Таъкидлаш кераки, мазкур учрашуларда барчанинг нигоҳи «А» гуруҳи вакиллари — Миср ва Парагвай терма жамоалари баҳсига қаратилган. Чунки биринчи турда Трини- дад ва Тобаго терма жамоасини йирик (4:1) ҳисобда мағлубиятга учратиб, муҳлис мута- хассисларда яхши таассурот қолдирган мез- болларнинг имконияти юқори баҳоланганди. Дастлабки дақиқалардан оқсариёт ҳужумлар меҳмонлар дарвозаси олдида амалга оширил- ган бўлса-да, ҳисобни очиб парагвайлик фут- болчиларга насиб этди. Беллашувнинг 27- дақиқасида Федерико Сантандер жамоасини ол- диқча олиб чиқди. Орадан 11 дақиқа ўтгач, Афрогто ҳисобни тенглаштирди. Иккинчи бўлим тугашига санокли сонлар қолганда эса парагвайлик футболчи Алдо Планига тўп кири- тиб, жамоаси галабасини таъминлади.

Гуруҳдаги иккинчи учрашуда ҳам шун- дай ҳисоб қайд этилди: Италия — Тринидад ва Тобаго 2:1. Ушбу турдан сўнг тўрт очко- дан жамгарган Италия ва Прагвай терма жа- моалари кейинги босқичга чиқиш имконият- ларини яхшилаб олдилар.

«В» гуруҳида Испания ва Венесуэла терма жамоалари яна зафар кўчди. Испаниялик ёшлар нигериялик тенгқурлари устидан 2:0 ҳисобида устун келишган бўлса, Венесуэла — Таити ўйи- нинда 8:0 натижаси қайд этилди. Иккинчи тур- дан сўнг Испания ва Венесуэла ёшлар терма- си ўз ҳисобларидаги очколар сонини олптигага етказиб олишди.

Куни кеча «С» гуруҳида Жанубий Корея — Германия, АҚШ — Камерун, «D» гуруҳида эса Уругвай — Ўзбекистон, Гана — Англия терма жамоалари рўбарў келишди.

Фозилдин АЙЛОВ тайёрлади.

Мамлакатимизда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари ҳар томонлама қўллаб-қувватланмоқда. Бундан руҳланган минглаб ишбилармонлар мавжуд қонун-қонда- ларга амал қилган ҳолда ўз фаолиятини йўлга қўйиб, барака топмоқдалар. Бироқ орамизда баъзан сохта «тадбиркор»ларнинг ҳам учраб туриши кишини ранжитади. Биласиз, ҳар қандай кўзбўйамачилик, эртами-кечми, албатта, фош этилади. Аммо унда кеч бўлади.

## ФИРИБГАРГА ЖАЗО ТАЙИН

Гап шундаки, Вазирлар Маҳкамасининг 2002 йил 6 майдаги «Жисмоний шахслар томонидан Ўзбекистон Республикаси ҳудудига товарлар олиб келинишини тартибга солиш тўғрисида»ги қарори талабларининг бажарилишини таъминлаш бўйича Жиззах вилояти давлат солиқ органлари томонидан бир қанча ишлар амалга оширилмоқда. Юртимиз ҳудудига сифат сертификати йўқ озиқ-ов- қат маҳсулот-

ҳуқуқни муҳофаза қилиш органларига тегишли чо- ралар қўллаш учун юбо- рилди.

Келинг, далилларга му- рожаат қилайлик. Мир- зачўл тумани, Гагарин кўчаси, 3/1-уйда истиқо- мат қилувчи фуқаро Сойиб Мадиев ўз хона- донидида сотиш мақсадида ҳеч қандай ҳужжатсиз, Қозғоғистон Республика- сида ишлаб чиқарилган ун маҳсулотларини сақлаёт- ганлиги аниқланди. Ушбу

### Қонун барчага баробар

ҳолат юза- сидан те- гишли ҳуж- жатлар рас- уларни ноқонуний равиш- дан савдога чиқарилиши- нинг олдини олиш бора- сида кескин чора-тадбир- лар қўриляпти.

Маълумки, республика- мизга божхона постлари- ни четлаб, кириб келган товарлар, товар-моддий бойликлар ноқонуний ҳисобланиб, амалдаги қонун-қондаларга муво- фиқ, мусодара этилади. Бу оддийгина ҳақиқатни ҳар бир тадбиркор били- ши, унга амал қилиши ке- раклиги такрор ва такрор эслатилишига қарамас- дан, айрим сохта «тадбир- кор»лар томонидан солиқ ва божхона қондаларини бузган ҳолда айланма йўллар билан ишлаб чи- қариш ҳамда сифат сер- тификати йўқ маҳсулот- ларни ички бозорларга олиб келиб сотиш ҳолат- лари ҳамон учрамоқда. Хусусан, жорий йилнинг ўтган ойларида ўтказил- ган рейд текширувлари натижасида 302 та қонун- бузарлик ҳолати аниқла- ниб, жами 261 млн. 402 минг сўмлик товар-мод- дий бойликлар ашёвий далил сифатида олиб қўйилди. Текшириш ҳуж- жатлари эса суд ҳамда

ҳолат юза- сидан те- гишли ҳуж- жатлар рас- улари ноқонуний равиш- дан савдога чиқарилиши- нинг олдини олиш бора- сида кескин чора-тадбир- лар қўриляпти.

Бундай мисолларни қўллаб келтириш мумкин. Тадбиркорлик учун барча шароитлар яратилганли- га қарамай, баъзи бир кимсаларнинг қинғир иш- ларга қўл ураётганлигини асло кечириб бўлмайд. Ахир донишмандларимиз «Барака — ҳалолликда» деб бежиз айтишмаган. Ҳалол йўл билан топил- ган бойлик, ризқ-насиба киши юзини ёруғ қилади. Ўзгалар олдида уялтириб қўймайди.

Ўқитиб МАТИБЕВ,  
Жиззах вилояти  
ДСБ бўлим бошлиғи.

**«Чиноз балиқларга омихта ем тайёрлаш корхонаси» АЖ**

балиқ, парранда, қорамолларни боқиш учун тайёрланган, дондор омихта ем ва омихта ем тайёрлаш учун зарур бўлган хом ашёлар (ингредиентлар)ни **СОТАДИ.**

Дон маҳсулотлари: маккажўхори, бугдой, арпа ва соя шроти, кунгабоқар шроти ҳамда омихта ем тайёрлаш учун зарур бўлган хом ашёлар (ингредиентлар)ни **СОТИБ ОЛАДИ.**

Манзил: Тошкент вилояти, Чиноз шаҳри.  
Телефонлар: (+998 71) 215-51-52/53,  
(+998 93) 184-67-45. Факс: (+998 71) 233-18-12.  
E-mail: chzrgk@mail.ru  
Маҳсулот сертификатланган.

**«АСАКА» банки (ОАЖ)**

сизларга қуйидаги янги муддатли омонат турларини тақлиф этади:

**МИЛЛИЙ ВАЛЮТАДАГИ ОМОНАТЛАР:**

- «**ЗИЁЛИ**»  
Сақланиш муддати — 6 ой, омонат бўйича йиллик 34 фоизгача даромад ҳисобланади. Ҳисобланган фойзалар ўқиш тўловлари учун йўналтирилади (институт, университет).
- «**ТОШКЕНТ — 2200**»  
Сақланиш муддати — 1 йил, омонат бўйича йиллик 29 фоиз даромад ҳисобланади.
- «**ИШОНЧЛИ**»  
Сақланиш муддати — 6 ой, омонат бўйича йиллик 27 фоиз даромад ҳисобланади. Ҳисобланган фойзалар омонат очилган куни берилади.
- «**СТУДЕНТЛАР УЧУН**»  
Сақланиш муддати — 4 йилгача, омонат бўйича йиллик 38 фоизгача даромад ҳисобланади. Ҳисобланган фойзалар ўқиш тўловлари учун йўналтирилади (институт, университет).

**ХОРИЖИЙ ВАЛЮТАДАГИ ОМОНАТ:**

- «**УНИВЕРСАЛ**» АҚШ долларларида  
Сақланиш муддати — 6 ой, омонат бўйича йиллик 10 фоиз даромад ҳисобланади. Ҳисобланган фойзалар омонат очилган куни берилади.

**«Росагропромснаб» МЧЖ**

**ТУРЛИ ХИЛ ГАЗ ЖИҲОЗЛАРИНИ ТАКЛИФ ЭТАДИ**

- УЛЬТРАТОВУШЛИ ГАЗ ЎЛЧАГИЧЛАРИ
- 5 м<sup>3</sup>/соатдан 500 м<sup>3</sup>/соатгача **БЎЛГАН ГАЗ ТАҚСИМЛАГИЧ ШКАФЛАРИ**
- **ЮҚОРИ, ЎРТА ВА ПАСТ БОСИМЛИ ГАЗ МЕЪЁРЛАГИЧЛАРИ**
- **ПЗК фильтрлари, ИЗО муфтлари**

Маҳсулот сертификатланган.

**Т./ф.: 273-16-40, 276-90-57, 276-97-90.**

Манзил: Тошкент ш., Чилонзор мавзони, Ц-дахаси, 6-уй.  
Мўлжал — «Шухрат» дўкони жойлашган чоррақа.

**Ушбу омонат турларини банкнинг барча филиалларида очиш мумкин.**

Мурожаат учун телефонлар: 120-39-81, 120-39-60, 120-39-63.

1. Тошкент шаҳри филиали	(371)	120-83-13
2. «Автотранспорт» филиали	(371)	120-39-95
3. Шайхонтоҳур филиали	(371)	140-39-36
4. Юнусобод филиали	(371)	225-16-46
5. Сергели филиали	(371)	258-67-49
6. Тошкент вилояти филиали	(371)	120-84-13
7. Андижон вилояти филиали	(374)	224-40-96
8. Асака филиали	(374)	233-13-69
9. «Фарход» филиали	(374)	229-97-53
10. Фарғона вилояти филиали	(373)	224-70-83
11. Марғилон филиали	(373)	237-12-37
12. Олтириқ филиали	(373)	432-10-11
13. Қўқон филиали	(373)	552-61-04
14. Наманган вилояти филиали	(369)	226-94-75
15. Навоий вилояти филиали	(436)	223-54-32
16. Зарафшон филиали	(436)	573-18-78
17. Бухоро вилояти филиали	(365)	223-71-94
18. Бухоро шаҳри филиали	(365)	770-11-27
19. Самарқанд вилояти филиали	(366)	231-08-86
20. «Афросиёб» филиали	(366)	234-17-96
21. Қашқадарё вилояти филиали	(375)	221-12-93
22. Сурхондарё вилояти филиали	(376)	770-82-12
23. Қорақалпоғистон филиали	(361)	223-72-47
24. Хоразм вилояти филиали	(362)	226-97-78
25. Сирдарё вилояти филиали	(367)	225-44-03
26. Жиззах вилояти филиали	(372)	226-43-11

**Барча омонатлар фуқароларнинг банкларидаги омонатларини кафолатлаш фонди томонидан кафолатланади.**

Сизнинг омонатларингиз:

- солиқлар ва мажбурий тўловлардан озод;
- маълумотларнинг сир сақланиши тўлиқ кафолатланади;
- эгалик қилиш ва тасарруф этиш ҳуқуқи ўз ихтиёрингизда;
- миқдори чекланмаган.

**ОБ-ҲАВО**  
(30 сентябрь)

**Қорақалпоғистон Республикаси ва Хоразм вилояти.** Ҳаво ўзгариб туради, айрим жойларда қисқа муддатли ёмғир ёғиши мумкин. Кечаси 12-17, кундузи 23-28 даража иссиқ бўлади.

**Бухоро ва Навоий вилоятлари.** Ёгингарчилик қутилмайди. Ҳарорат тунда 10-15, кундузи 25-30 даража иссиқ бўлади.

**Самарқанд, Жиззах ҳамда Сирдарё вилоятлари.** Ҳаво ўзгариб туради, ёгингарчилик кузатишмайди. Кечаси 10-15, кундузи 25-30 даража иссиқ бўлади.

**Тошкент вилояти.** Ёгингарчилик бўлмайди. Ҳарорат тунда 10-15, кундузи 25-30 даража иссиқ бўлади.

**Қашқадарё ва Сурхондарё вилоятлари.** Ҳаво ўзгариб туради, ёгингарчилик қутилмайди. Кечаси 13-18, кундузи 28-33 даража иссиқ бўлади.

**Андижон, Наманган ҳамда Фарғона вилоятлари.** Ёгингарчилик кузатишмайди. Тунда 10-15, кундузи 25-30 даража иссиқ бўлади.

**Тошкент шаҳри.** Ҳаво ўзгариб туради, ёгингарчилик бўлмайди. Ҳарорат кечаси 13-15, кундузи 28-30 даража иссиқ бўлади.

«Ўзгидромет» маълумотлари асосида тайёрланди.

**«ХАҚ СЎЗИ»**

**ЭЪЛОНЛАР**

ҚАБУЛ ҚИЛИНАДИ.

9.00 дан 18.00 гача  
**233-10-60**  
**236-09-25**  
**232-10-63**  
242-хона

**Хақ сўзи**  
**Народное слово**

**МУАССИСЛАР:**  
Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Кенгаши, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Кенгаши ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси

**Бош муҳаррир Ўткир РАҲМАТОВ**

2008 йил 15 январда Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 0001-рақам билан рўйхатга олинган. Нашр индекси — 229. Буюртма Г — 803. 36192 нусхада босилди, ҳажми — 2 табоқ, Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2. Баҳоси келишилган нархда.

**ТЕЛЕФОНЛАР:**  
Девонхона 233-52-55;  
Котибият 233-10-28; Эълонлар 236-09-25.

ISSN 2010-8788

Тахриратта келган кўлемлар таъриқ қилинмайди ва муаллифга қайтарилмайди.

Реклама материаллари учун тахрират жавобгар эмас.

Газета тахрират компьютер марказида терилди ҳамда операторлар Ж. Тоғоев ва М. Бегмуратов томонидан саҳифаланди.

Т-Тижорат материал

**• МАНЗИЛИМИЗ:**  
100000, ГСП,  
Тошкент шаҳри,  
Матбуотчилар кўчаси, 32-уй.  
Навбатчи котиб — Ю. Ҳамидов.  
Навбатчи муҳаррир — И. Ўтбосаров.  
Навбатчи — М. Охуюнова.  
Мусахҳаҳ — С. Исмолов.

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмаҳонаси. Корхона манзили: «Буёқ Турон» кўчаси, 41. ЎЗА яқини — 21.10. Топширилди — 21.50

123 5